O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIZ XALLARI

АССАЛОМ МЕҲР-ОҚИБАТ, ЭЗГУЛИК ВА САХОВАТ ТИМСОЛИ — НАВРЎЗ!

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 21 MART
PAYSHANBA
№ 36-37
(26.896)

1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлиши муносабати билан йўллаётган табригимни қабул этгайсиз.

Ўтган ўн йил мобайнида Россия билан Ўзбекистон ўртасида тенглик, ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган дўстона муносабатларни қарор топтириш ва ривожлантириш борасида катта йўл босиб ўтилди.

Аминманки, мамлакатларимиз ўртасидаги улкан салоҳиятга эга ҳамкорлик бундан буён ҳам чуқурлашиб, самарали алоқаларимиз янги-янги соҳаларни қамраб бораверади. Бундан Россия ва Ўзбекистон халқлари манфаатдордир, бундан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлашнинг муҳим гарови ва кафолати рўёбга чиқади.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, давлатни бошқаришдек мураккаб ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Кўкка кўтарилар карнай садоси, Наврўзнинг тўйидир, шу муддаоси.

Гулга ўралган гул қиз, Юзлари мисли қирмиз

Болалигим байрамлари, Қувончларга ошно дилим, Бойчечакнинг баргларидан, Ўтиб борар менинг йўлим.

Момолар Наврўзнинг қадим куйчиси, Ниш урган буғдойлар баҳор элчиси.

ЯНГИ КУН. ЯНГИ ТИЛАК. ЯНГИ ОРЗУЛАР

Баҳор кириб келган қалбимда тўлин ойдек балқиган Наврўз. Озод юртга ярашади байрамлар. Юрақдан чиқади энг гўзал, қудратли бир сўз: Наврўзим, соғиндим. Йўлингга пояндоз айлай кўзларим. Сен келтирган бахтдан қувонч қўкарар. Кўксим тоғ каби баланд. Иқболим порлоқ. Кетаётган йўлим оқ-оппоқ.

Ассалом, баҳорнинг
энг гўзал куни,
Ассалом, дунёга
зеб берган осмон,
Ассалом, заминга
бош қўйган қуёш,
Ассалом, туғилган
янги кун Наврўз.

Наврўзга пешвоз югураётган болалик. Унинг кўзларидан шодликлар тошар. Наврўзга шукрона айтар оталар, оналар сумалак бошида бедор. Туннинг сукунатин йироққа ҳайдаб, қўшиқ куйлайдилар. Йигит, қиз гуллаган ўрик пойида дил розларини айтади. Муҳаббат қалбларда жўш урган кунлар, ари гул лабидан бол сўриб турар. Ўтган йил бизларни ташлаб кетган қуш, қалдирғоч қироат қилар баҳорга. Дарё қирғоғига урилади сув. Тириклик оқади томирларимда, қуёшга тик боқиб нур эмади дил. Наврўз келаяпти, йўлга чиқ қўнгил. Майсалар уйғонар, тўлғонар ялпиз, оламга ифорин сочаётган қиз. Дилдан тошиб чиқар рангин туйғулар, барчаси баҳорнинг бетакрор сўзи, тошнинг остидаги булоқлар уйғоқ, чарақлаб очилар уларнинг кўзи. Барчаси баҳор, деб туғилаётир, Наврўз, деб, Наврўз, деб югураётир. Соғинчларнинг энг буюги шу, байрамларнинг энг суюги шу.

Наврўз навниҳолим,
Қалбим соғинчи.
Умидлар гуллаган,
Тонгги насимим.
Қуёшга тик боқиб,
Туғилган туйғу,
Тилимдан таралган,
Танбур ноласи.
Наврўз бу кўкламнинг,
Эрка боласи.

Янги кун. Янги тилак. Янги орзулар. Хаёлим тутқичсиз елиб, югурар. Ватан сарҳадлари тинчлик, сокинлик абадий бўлишин истайди кўнгил. Осмонда турналар тизилиб учсин. Қуёш ҳар тонг туриб заминни қучсин.

Йилбоши Наврўзим. Йиллар асрларга келиб қўшилар. Истиқлол абадий. Истеъдод азиз. Юртбоши юксаклар томон кўз тиккан, ёш авлод қалбига умидлар эккан.

Бугун ватанимда Наврўзи олам. Тарозининг палласи узра тун ва куннинг тенглиги турар. Кўҳна ернинг ўрқачларида тирик, уйғоқ баҳорим юрар. Соғинчлардан титрайди таним, майсаларга тикдим кўзимни. Кўзмунчоғим бўлгин Наврўзим, тўкин бўлсин ризқ ила рўзим. Ер бағрида ухлама буғдой, сочларингни ўргин кулар ой. Тезроқ бўй чўз деҳқон умиди. Дон бўл, нон бўл. Дастурхонда бўл. Табиатнинг шоҳ асари сен. Сен билан бут рўзғорим, бутун бўлсин юксак имоним.

Бугун Наврўз тонгини қучдим. Мусаффо осмонга тикилдим. Кўп қаватли уйлар деразаларида бирин-кетин нур порлайди. Улкан тиниқликка урилади нур. Қўшилиб кетади ойдинлик. Юрт уйғонади. Баҳор нафаси қафасни бузгудек уради юрак. Уйғон Ватан, Наврўзга қучоқ оч. Тонгги насим кезиб юрибди. Янги кунга шукрона айтар оталар, оналар, дуо айлар болаларини. Наврўзга етиб келдик. Наврўз яна келди. У бизга тўкинлик, тотувлик, тенглик, теранлик, тўкислик олиб келсин.

Ойдинлик сўзи озодлик сўзига ҳамоҳанг. Юртда боқий қолсин улар иккиси. Гулни севади инсоният. Лекин Ер юзида бирор бир миллат гулни тавоф айламас экан. Бойчечакни кўзга суртамиз, омонлик-сомонлик деймиз. Кўзга суртиб Наврўзимизни. Эшигимиз қоқар болалар, қўлларида баҳор элчиси:

Қаттиқ ердан қазалаб
чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб
чиққан бойчечак.

Юрагимиз ҳаприқиб, шукрона айтамиз, шу кунларга етиб келганимизга, болаларга тутқазамиз кўк сомса, ширинликлар. Улар яна югурар қўшни ҳовлига. Бойчечакнинг овози янграб туради. Болаларнинг беғубор кўзларида, ёлғон аралашмаган сўзларида.

Келинлар келида жўхори туйишади. Наврўзга гўжа пиширадилар. Кўни-қўшнига улашадилар. Бу таомнинг ҳам рамзий маъноси бор. Жўхори оқлик, ойдинлик олиб келсин, деб умид қиладилар.

Наврўзда деҳқон ерга уруғ қадайди. Бобо деҳқонга таъзим, она ерга таъзим. Наврўз юртимизга барака олиб келсин, деб боболаримиз дуо қиладилар.

Ёш-яланг, маҳалла-кўй қир-адирларга ошиқади. Наврўз базми бошланади. Болалар учирган варрак осмону фалакда сайр этади. Муғанний куй чала бошлайди. Унга қўшиқ қўшилади:

Фасли Навбаҳор ўлди
кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ғаниматдур,
сайр этинг гулистонлар.
Субҳидам тушиб шабнам,
бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам,
ёғди абри найсонлар...

Полвонлар қўр ташлаб кураш тушадилар. Бахшилар достон куйлайдилар. Чавандозлар от чопиб қўпкари қиладилар. Наврўз ҳар бир қалбда қўшиқ айтади. Наврўз барчани шодликка чулғайди. Қувонч энтикади. Шодлик тошади. Элим, байрамларинг муборак бўлсин. Наврўзнинг қадами қутлуғ бўлсин. Юрт эзгуликка тўлсин.

Наврўз — Ватан каби
юрагимда қол.
Наврўз — қуёш бўлиб
қалбимизда ён.
Наврўз — боқий бир сўз,
бебаҳо калом,
Наврўз — ўзбек учун
муқаддас бир шон!

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

НАВРЎЗ — ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРДАМЛИК ЭЛЧИСИ

Жон ХЁРБСТ,
АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон халқини улуғ Наврўз айёми билан қутлаш қалбимда катта қониқиш уйғотмоқда.

Наврўз қадимий байрам бўлиб, йилнинг бу пайти ҳаммамиз учун севимлидир. У уйғониш, янгиланиш ва баҳорги тенгкунликни ифодалайди. Бу йилги байрамни нишонлаш мен учун алоҳида аҳамиятга эга. 11 сентябрдаги машъум воқеалардан сўнг умидлар ва янгиланишлар даври бўлган бу байрам барчамизга севинчли дақиқаларни улашяпти.

Қолаверса, бугунги Наврўз айёми бир қанча қувончли воқеалар билан тўғри келмоқда: куни кеча Тошкентдаги АҚШ элчихонаси очилганлигининг 10 йиллигини байрам қилдик. Президент Ислом Каримовнинг бизнинг мамлакатимизга тарихий, расмий ташрифини эса алоҳида қайд қилиш лозим.

Наврўз айёмини сизлар билан бирга нишонлар эканман, ҳозирги илиқ муносабатлар Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро яқин алоқаларнинг ҳали бошланиши эканлигига ишонаман.

Наврўз байрами қутлуғ бўлсин!

Чжан ЧЖИМИН,
Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Баҳор — янгиланишнинг гўзал дақиқалари, ҳаётий куч ва муваффақиятлар палласи. Уйғониш тимсоли, келажакка ишонч бўлиб келувчи Наврўз ёруғлик ва руҳий покланиш байрамидир.

Ўзбекистон халқи меҳнаткаш, дўстсевар. Бу ерда кишилар билан гаплашиш ёқимли ва биз ҳамиша ўзаро тил топиша оламиз.

Хитой Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг яқин ҳамкорлардан бири, деб ҳисоблайди. Ўзбекистонда бугунги кунда юздан ортиқ Хитой — Ўзбек қўшма корхоналари мавжуд бўлиб улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Мен савдо-иқтисодий алоқаларимиз сезиларли даражада юксалиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлайман.

Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин янада ривожланишига ишонаман. Мустақил Ўзбекистон ўз танлаган йўлидан сабот билан келажакка интилмоқда.

Гўзал баҳор байрами муносабати билан мамлакатингизга равнақ, ўзбекистонликлар бошида қуёш доимо балқиб туришини, ҳар бир оилага эса бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Жаноб Бхаскар КУМАР МИТРА,
Хиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Гўзал ва севимли Наврўз байрами билан Ўзбекистон халқини муборакбод этаётганимдан бахтиёрман.

Айтиш мумкинки, Наврўзи олам бетакрор ўзбек заминининг энг муҳим байрамларидан бири, баҳор, уйғониш тимсоли, умидлар ва интилиш палласи.

Бу вақтда табиат ўзининг тириклик соатини бошлайди, ҳар бир киши тараддудланиб, йил режасини тузади. Ҳаммаёқда ҳаёт, яшаш ишқи жўш уради.

Шундай ажойиб дамларда Ўзбекистон халқига тинчлик тилаб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик гуллаб-яшнасин ва янада мустаҳкам бўлсин, дейман. Шунингдек, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқаларга 18 мартда 10 йил тўлганлигини айтиш ва ҳар иккала халқни табриклаш мен учун фахрлидир.

Ҳиндистон — Ўзбекистон алоқаси дўстлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликка асосланган бўлиб, Ҳиндистон томони учун бу ҳамиша муҳим бўлиб келган. Алоқаларимиз сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ўз ичига олган кенг қамровлидир. Минтақадаги тинчлик ва барқарорликка таъсир этувчи қатор масалалар юзасидан икки давлат бир хил қарашга эга. Минтақавий ва жаҳоншумул муаммолар, шунингдек, терроризм ва ақидапарастликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик ҳар икки давлат учун манфаатли. Айниқса, маданий ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг негизини ташкил этади, десам хато қилмайман. Ҳинд маданияти, мусиқаси, қўшиқ ва рақсларини Ўзбекистондагидек севувчиларни бошқа бирор жойдан топиш қийин. Биз бундай очиққўнгилликни жуда қадрлаймиз.

Икки буюк миллат — ҳинд ва ўзбек халқини янада яқинлаштириш ва давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлидаги бундай алоқалар учун Ўзбекистон халқига миннатдорчилик билдираман.

Ватанингиз ҳамиша тинчлик ва омонликда гуллаб-яшнашининг тарафдоримиз.

Анатолий КАСЬЯНЕНКО,
Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Бугун ажойиб, суюкли айём, уйғониш тимсоли, ишонч, янгиланиш ва келажакка умид байрамидир. Икки йилдан бери Ўзбекистонда ишлаб шуни кузатдимки, бу шодиёнани халқингиз бирлаштирувчи қудратга эга байрам сифатида ҳам нишонлар экан. Ўн минглаб одамларнинг кўчаларга, паркларга биргаликда чиқиши, умумий хурсандчилик — кишида ёруғ таассуротлар қолдиради.

Ўзбекистонда яшовчи юз мингдан ортиқ украин миллатига мансуб кишилар ҳам бу кунни сиз билан биргаликда ҳаёт тантанаси сифатида кутиб олишмоқда. Яна шуни алоҳида қайд қилишни хоҳлардим: Тарас Шевченко номли 110-мактабда украин тили ва адабиётидан сабоқ берадиган алоҳида синф очилди. Ўз навбатида Киев миллий университетининг филология факультетида 60 га яқин ўзбекистонликлар ҳозир ўзбек тилини ўргатувчи гуруҳ тузишда иштирок қилишаяпти.

Буларнинг ҳаммаси сўзсиз халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради.

СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ НИГОҲИ

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ

ТАШРИФНИНГ СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

Маълумки, бундан бир неча йил муқаддам давлат раҳбарларининг ташаббуси билан АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида мулоқот комиссиялари тузилган эди. 1998 йил 24 февралда АҚШ Давлат департаментида, 1999 йил 24 мартда эса Тошкентда Ўзбекистон — АҚШ ва АҚШ — Ўзбекистон қўшма комиссияларининг сессиялари бўлиб ўтди. Доимий мулоқотлар икки давлат орасидаги бир қатор сиесий масалаларни ҳал этишни осонлаштириб келмоқда. Мазкур алоқалар доирасида халқаро терроризм, гиёҳвандлик моддалари, қурол-яроғ ва технологияларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда томонлар манфаатларининг мувофиқлашуви соҳасида қатор натижаларга эришилди.

И. Каримовнинг АҚШга ташрифи мазкур муаммолар билан бирга инсон ҳуқуқлари, демократия ва нодавлат ташкилотларнинг ролини оширишда янги ютуқлар учун кенг йўл очиб берди. Давлатимиз раҳбарининг АҚШ Конгресси палаталари вакиллари билан бўлган учрашувлари мана шу масалаларга янада аниқликлар киритиши билан бирга Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий ислоҳотлар, жумладан парламент ислоҳотлари борасида кенг ва самарали тажрибалар алмашиш имконини яратади.

(Давоми 2-бетда)

СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ НИГОҲИ

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ТАШРИФНИНГ ГЕОПОЛИТИК АҲАМИЯТИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, Ўзбекистон Президенти «минтақавий барқарорликдан глобал барқарорлик томон» концепциясини илгари сурган эди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Марказий Осиё минтақаси ядровий давлатлар ҳисобланган Россия, Хитой ва тахмин қилинаётган Ҳиндистон, Покистон, Эрон каби қудратли давлатлар қуршовида қолган. Ўзбекистон ҳам АҚШ раҳбарининг Ўзбекистон Президентига йўллаган мактубида таъкидланганидек «Қудратли давлатлар учун ўз уйидек бўлиб қолган минтақа»да жойлашган. Мазкур минтақада барқарор хавфсизликни сақлаш ва таъминлаш ғоят қалтис масаладир. Зеро, бу минтақада барқарор хавфсизлик таъминланмас экан, глобал хавфсизлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу боис ҳам Ўзбекистон раҳбари энг бошданоқ, минтақамиз хавфсизлигини таъмин эта оладиган ва мустақил Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлашга кафолат бера оладиган давлатни ўзининг биринчи ҳамкори деб очиқ эътироф этган. Бугунги кунда АҚШ бутун дунё хавфсизлиги кафолатини ўз зиммасига олган давлатдир. Собиқ Югославия, Африка, Форс кўрфази ва Афғонистон воқеалари кўрсатиб турганидек ҳар қандай минтақавий ва глобал можароларни ҳал этишда АҚШнинг ҳал қилувчи роли бор. Шундай экан, глобал ва минтақавий хавфсизликнинг узлуксизлиги ва бир бутунлигидан келиб чиқиб, АҚШнинг оламшумул мавқеига холисона баҳо беришни ўринли деб ҳисоблаймиз. Ҳокимият, сиёсий кучлар ва ҳудудлар орасидаги масалани ўзида мужассам этган геополитика муайян ҳудудда бир нечта сиёсий кучларнинг тенг таъсирлигини инкор этади. И. Каримовнинг АҚШга ташрифи Қўшма Штатларнинг минтақамиздаги хавфсизликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига устувор маком берди, унинг мавқеини мустаҳкамлади ва минтақамизнинг геополитик манзарасига янгича қиёфа бахш этди. Эндиликда жаҳон геополитикасининг туташ ҳалқаларини ташкил этган Европа Иттифоқи ва Японияннинг минтақамиздаги мавқеи ўзгаришига ҳам шубҳа йўқ.

ТАШРИФНИНГ ГЕОСТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

Геостратегия деганда энг муҳим миллий манфаатлар негизида бир ёки бир неча давлатнинг бориши йўлга қўйилган. АҚШ Давлат котиби ўринбосари Елизабет Жоунс тили билан айтганда «гап қуролли кучларни жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган ҳарбий ташкилотларга айлантириш ҳақида эмас, мудофаа вазифаларига йўналтирилган қуролли кучларни, чегараларни ва давлатни ҳимоя қилишга доир вазифаларга йўналтирилган қуролли кучларни шакллантириш ҳақида бормоқда». И.Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи давомида икки мамлакат ўртасида ядро материаллари ва технологияларини тарқалишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимнинг имзоланиши ҳарбий-техника соҳадаги алоқаларнинг ривожида яна бир қадам бўлди. Бундан ташқари, ташриф чоғида Оқ уйда ҳарбий ва ҳарбий техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Пентагонда эса АҚШ мудофаа вазири Д. Рамсфелд бу йил Ўзбекистон қуролли кучларини ислоҳ қилишга кўмаклашиш мақсадида 43 млн. доллар ажратилганини маълум қилди. Бу ўтган йилги ёрдамдан 27,5 млн. доллар кўпдир. Ҳозирда қўшни Афғонистоннинг ўзида 10 млн. донадан ортиқ ўқ отар қурол борлигини инобатга олсак, ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорликнинг аҳамиятини тўғри баҳолай олишимиз мумкин. Ҳарбий қудратимиз ва чегараларимиз дахлсизлиги истиқболимиз учун энг муҳим вазифадир ва шу маънода биз етарли кафолатга эга бўлдик.

ТАШРИФНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК СОҲАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ўзбек халқи азал-азалдан саховатли миллат сифатида мадҳ этилган. Бунинг исботини узоқдан қидиришнинг ҳожати йўқ. Бир неча йиллардан бери Ўзбекистон қўшни Афғонистон халқига урушни тўхтатиш борасида саъй-ҳаракатлар билан бирга доимо инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. «Қўшнинг тинч — сен тинч» мақоли ўзбекларнинг қонига сингиб кетган. АҚШ давлати ҳам ўз навбатида дунёдаги энг катта донор — таъминловчи давлатдир. Афғонистон океан ортидан 2000 йилда 113 млн. доллар, 2001 йилда 184 млн. доллар ёрдам қабул қилиб олган эди. Ж. Буш маъмурияти эса инсонпарварлик ёрдами учун 2001 йил 28 сентябрда 320 млн. доллар ажратишга қарор қилди. Афғонистонда аксилтеррор операциялари муваффақиятларга эришса олмаган бўлар эдик» деганда ҳақ эди. Ташриф давомида Президентимиз АҚШ давлат раҳбари ва АҚШдаги етакчи газета ва журналларнинг раҳбарлари билан бўлган учрашувда бу масалага яна бир карра қайтди. Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини давом эттириш, ҳаётий инфратузилмаларни тиклаш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш зарурлигини таъкидлади. Мазкур мулоҳазалар АҚШ жамоатчилиги томонидан маъқулланди.

ТАШРИФНИНГ ФАН ВА ТАЪЛИМ, ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ, МАДАНИЙ СОҲАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Фан ва таълим соҳасига тўхталар эканмиз, республикамизда бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатаётган АҚШ Давлат департаментининг таълим ва маданий соҳалар бўйича Бюроси ҳомийлигидаги Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айрибошлаш Кенгаши (АЙРЕКС), Америка Халқаро таълим Кенгаши (АСТР-АКСЕЛС), Очиқ Жамият институти (СОРОС) каби ташкилотларни эслаб ўтиш жоиздир. Мазкур ташкилотларнинг ёрдами билан юзлаб ўзбек ёшлари АҚШ университетлари ва коллежларида таълим олдилар ва олмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти «Умид» жамғармаси дастурларида АҚШ йўналишига устувор мавқе берилган. Шу кунга қадар 343 нафар талаба АҚШ олийгоҳларида таълим олдилар.

Шунингдек, илмий-техникавий соҳада ёш ўзбек олимларининг кашфиётлари ва тадқиқот лойиҳалари АҚШ мутахассислари томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. Инновация жараёнларига кўпроқ амалий тус бериш мақсадида ташриф чоғида томонларнинг илмий-техникавий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида битимни имзолаши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маданият соҳасида эътироф этиш керакки, америкаликларнинг ўзбек маданиятига қизиқишлари кучли. Ўзбек маданиятини тарғиб қилишда Ларен Грей хоним раҳбарлигидаги ўзбек рақси ҳаваскорлари жамияти, Нью-Йорк шаҳридаги «Мақом» ансамблининг хизматлари катта. Ўз навбатида АҚШ кино, мусиқа ва қўшиқчилик санъати кириб келмаган ўзбек хонадонлари топилмайди. Президентимизнинг АҚШга ташрифи халқларимизнинг маданий алоқалари ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, албатта.

ТАШРИФНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ АҲАМИЯТИ

1998 йил 5 февралда ўзбек ва Америка халқлари тарихида ажойиб воқеа содир бўлган эди. АҚШнинг «Шатлл-Эндовер» космик кемасида ўзбек фарзанди Солижон Шарипов фазога кўтарилди. Шу воқеа туфайли халқларимиз маънан яқинлашгандек бўлди. Халқларимиз нафақат Ер курраси, балки фазода ҳам ҳамкорлик қилишга қодир эканлиги кишига беҳад ғурур бахш этган эди.

11 сентябрь воқеалари эса икки халқни руҳан жипслаштиргандек бўлди. Тинчликсевар ўзбек халқи Америка халқига нисбатан ўз меҳр-муҳаббатини намойиш этди, у билан ёнма-ён бирдам ва якдил эканлигини маълум қилди. Президентимизнинг ташриф давомида фожиа харобаларини зиёрат қилиши ўша бирдамликни яна бир бор ёдга солди. Халқларимиз орасида биродарлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганлигидан дарак берарди. Халқларимиз орасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришда Ўзбекистон Президентининг роли каттадир. Америка халқи буни аллақачон эътироф этган. 1993 йил июль ойида И. Каримов АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшганлиги учун АҚШ Нью-Жерси штатининг фахрий фуқароси этиб сайланган эди. 1997 йил 7 май куни эса Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига Капитолия биноси узра АҚШ Давлат байроғи кўтарилган ва кейинроқ, яъни 26 май куни америкаликлар одатига кўра мазкур байроқ конгрессмен Б.Арчел томонидан Юртбошимизга топширилган эди. Ташриф чоғида АҚШ жамоат ва нодавлат ташкилотлари халқаро терроррга қарши курашга қўшган улкан ҳиссаси учун И. Каримовга «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» мукофотини топширди. Бу ўз навбатида америкаликларнинг ўзбек халқига бўлган эҳтиромини ҳам эди.

Ўзбекистон Президентининг АҚШ давлатига расмий ташрифи Ўзбекистон — Америка муносабатларининг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, дейишга етарли асослар бор. Чунки томонлар ўзаро алоқаларнинг мунтазам тараққиёти учун зарур бўлган ҳуқуқий ва сиёсий асосларга эга бўлдилар. Истиқболда эса қабул қилинган ҳужжатларни амалга татбиқ этиш масаласи қолди, холос. Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида Декларациянинг имзоланиши ўзаро муносабатларнинг устувор аҳамият касб этиб бораётганлигини кўрсатади. Бундай ҳужжат АҚШ ва Ўзбекистон томонидан жуда кам сонли давлатлар билан тузилган.

Бу ташриф Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрнига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Ташрифдан сўнг, нафақат Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида, балки Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва Япония каби давлатлар билан муносабатларида ҳам кескин ижобий ўзгаришлар содир бўлишини ишонч билан айтиш мумкин. Далил ўрнида, ўзбек — Америка муносабатларининг ривожини кузатиб турган Европа Иттифоқи 2001 йилнинг 15 октябридаёқ Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларга устувор мавқе бериш тўғрисида Коммюнике ва Декларация қабул қилганлигини эсга олиш ўринлидир. Мазкур ташриф ўз асос эътибори, аҳамияти ва натижалари билан XXI аср Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди, мустақил Ўзбекистон истиқболида янги саҳифалар очилаётганидан дарак беради.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
сиёсий шарҳловчи

1 2 3

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП **Хонқа туман кенгашининг** V пленуми бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор бошланғич партия ташкилотларининг партиявий-ташкилий, маънавий-маърифий ишларини жонлантириш фаолиятларидаги ижобий томонлар ҳамда йўл қўйилган камчиликларга қаратилди. Партиядан сайланган депутатлар фаоллигини ошириш, сайловчилар ишончини оқлаш йўлида қилинажак ишлар ва Қарияларни қадрлаш йили Давлат дастурини амалга оширишда туман партия ташкилотининг иштироки бўйича тадбирлари белгиланди. Шунингдек, пленумда туман партия ташкилотининг молиявий аҳволини яхшилаш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

ПАРТИЯМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Қорақўл тумани «Сайёт» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 8-сайлов округида халқ депутатлари Қорақўл туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутат Т.Шариповнинг ўз сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда депутат Ўзбекистонда парламент ислоҳотининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил гапирди. Учрашувда ХДП Қорақўл туман кенгашининг биринчи котиби Ф.Бебутов туман партия ташкилотининг партиянинг дастурий ғояларини амалга ошириш борасида олиб бораётган ишлари ҳамда унинг Қарияларни қадрлаш йилидаги режалари тўғрисида сўзлаб берди.

Халқ депутатлари Оҳангарон туман Кенгашига ХДПдан сайланган депутат А.Қўшназаров ўз меҳнати билан элга танилган инсон. У Оҳангаронда биринчилардан бўлиб нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги, замонавий корхонани ишга тушириб, аҳолига сифатли нон маҳсулотлари етказиб беришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Шуни айтиш жоизки, корхонада ишлаётган 45 нафар ишчи ва хизматчилар ХДП аъзосидир. «Акром ширмой нон» корхонаси директори А.Қўшназаров қишлоққа саноатни олиб кириб, амалда иқтисодий ислоҳотларга кўмаклашмоқда. Корхонани газ билан ишлашга ўтказиб, ишчиларнинг иш шароитларини яхшилашга эришди. Корхона қошида лимон ўстириш иссиқхонасини жиҳозлади, ёшларни ишга жалб қилди. Яқинда Оҳангарон шаҳрида бўлиб ўтган «Ташаббус-2002» танловида тадбиркор А.Қўшназаров биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Зарбдор туманидаги О.Мелибоев номли 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, II даражали «Соғлом авлод ордени» соҳибаси Т.Эргашева кўп йиллардан бери ёш авлод тарбияси ишида намуна бўлиб келмоқда. ХДП Зарбдор туман кенгашининг аъзоси сифатида ҳам у тарғибот-ташвиқот, маданий-маърифий ишларда фаолдир. Яқинда мазкур туман кенгаши томонидан уюштирилган, партиянинг сиёсий йўли ва амалий ишларига бағишланган учрашувда Т.Эргашевага самаралі меҳнати, жамоат ишларида фаоллиги учун, туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

ҚАРИЯЛАР — ЖАМИЯТИМИЗ ФАХРИ

Бекобод шаҳар партия кенгашида «Кексалар — иззатда» мавзуида мулоқот бўлиб ўтди. Унда мазкур партия кенгашида кўп йиллар ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Т.Воронина, Р.Солиҳова, Ш.Иброҳимова, М.Эшмуродова, Т.Норбековалар ўз иш тажрибалари, шаҳар партия кенгашида мавжуд бўлган баъзи муаммоларни ҳал этиш йўллари тўғрисида ёш партия ходимлари билан фикр алмашдилар.

2002-йил Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан, **Жондор тумани** «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти, меҳнат фахрийлари иштирокида, дастурхон атрофидаги «Қариялар — жамият фахри» мавзуида, «давра суҳбати»ни ташкил этди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Чортоқ туманидаги А. Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раислигига Турдали Жумабоевнинг тайинланиши хайрли бўлди. У бошчилигида ўтган йили пахта ҳосилдорлиги 38 центнерга етказилди. Бу йилги мақсад янада улкан. 800 гектар майдонга «С-6524» навли чигит экилмоқда. Шундан 100 гектари плёнка ости усули бўлиб, 40 центнердан пахта олиш нияти бор.

Суратларда:

1. Хўжалик бошқаруви раиси Турдали Жумабоев (ўнгда) меҳнат фахрийси Ўтанбой ота Избосаров, ишчи Анвар Шарипов билан иш боши олдидан.
2. Далада ишлар қизғин
3. 8-бригаданинг сеялка назоратчиси Исроилжон Нишонов

■ Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

БМТ МУКОФОТИНИ ОЛГАН КУЛОЛ

Ўзбек кулолчилиги тарихи қадимқадимга бориб тақалади. Мозийда аждодларимиз сув олиб келишда кўзадан фойдаланишган. Мой, гўшт, дон-дунни хумларда сақлашган. Бу, аввало маҳсулотни сифатли ва узоқ сақлашга имкон яратади.

Деновлик Муҳаммадрасул Зуҳуров аждодларимизнинг ана шундай ўлмас касбини ардоқлаётган кулоллардан.

— Кулолчилик отамерос касб, — дейди ҳожи бобо. — Отам эса бобомдан ўрганган экан. Мен ҳам касб сир-синоатларини ёшларга ўргатаяпман.

Кулолнинг устахонасидамиз. Ўттиздан ортиқ шогирд иш билан банд. Кимдир лой пишитади, яна биров лаганга ишлов беради. Гув-гувлаб айланаётган чархда мўъжиза яралади. Ўттиз беш турдан ортиқ кўза, чойнак, лаган, пиёла, тувак каби буюмлар мафтункор. Устазодаларнинг қадоқ қўллари лойга жон бахш этарди.

— Битта буюмни ясаш учун баъзан ярим кун керак бўлади, — давом этади кулол. — Биз асосан ширали тупроқдан фойдаланамиз. Унга кўз нури, қалб қўри, юрак сеҳрини жо айлаймиз. Сўнгра тандирда пиширилади. Ўзимиз жило берамиз. Бунинг учун мис, ишқор, қўрғошин, шиша синиқлари аралаштирилиб тегирмонда тортилади. Ундан оқ, сариқ, яшил, кўк ва бошқа ранглар ҳосил бўлади.

Муҳаммадрасул Зуҳуров 1995 йили республика ҳунармандларининг кўрик-танловида ғолиб бўлиб, БМТнинг 1000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофотини қўлга киритганди.

1997 йилда эса «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

— Мен қайта дунёга келгандекман, — дейди ҳожи бобо. — Мустақиллик мени дунёга танитди. Камтарин меҳнатим океан ортида ҳам шарафланди. Швейцария ва Франциядан ишбилармонлар келишди. Улар билан ҳамкорлик ҳақида келишиб олдик.

— Мана шундай буюмларни кулолдан сотиб олдим, — дейди филиппинлик сайёҳ — Луиза хоним пиёлани кўз-кўз қилиб. У ўзбекларнинг қўл меҳнати ва кўз нури билан дунёга келган. Қўл меҳнати барибир ўзгача гўзаллик кашф этади. Кишининг ҳавасини келтиради. Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди, фақат тасаввур этиш мумкин...

Бобо сиймосида ҳалол меҳнат, элга, юртга фидойилик мужассам. Устазодалар авлодига ҳавасим ортди.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ХДП **Янгиер шаҳар кенгаши ходимларининг фаол саъй-ҳаракатлари билан** қадр кечаси ўтказилди. Унга меҳнат фахрийлари, бошланғич ташкилотлари котиблари, ёшлар вакиллари таклиф этилдилар. ХДПдан туман Кенгашига сайланган депутатлар — тадбиркорлар Р.Ваҳобова ва З.Матёқубовалар кексаларга эсдалик совғаларини топширдилар.

Сергели туман партия кенгашининг «Дуогўйлар даврасида», деб номланган тадбирида «Мустақиллик», «Дўстлик», «Ал-Фарғоний», «Йўлдош», «Ёрқин ҳаёт» маҳаллаларининг кексалари ва 305-экологик лицей ўқувчилари иштирок этдилар. Тадбир сўнггида лицей ўқувчилари йиғилганларни ашула ва рақслар ижроси билан хушнуд этдилар.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

ХДП **Зомин туман кенгаши,** Й.Охунбобоев номли маҳалла кенгаши билан ҳамкорликда, ёшлар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кураш масалалари юзасидан мулоқот ўтказди. Суҳбат давомида халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳвандликка қарши кураш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат тўғрисида сўз борди.

ХДП **Ўзбекистон туман кенгаши,** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда, «Қани йигитлар!» танловини ташкил қилди. Унда ғолиб чиққан педагогика ва коммунал коллежлари талабалари — А.Сапаев ва Ғ.Сатимовлар эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Беруний туман партия кенгаши, туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кенгаши билан ҳамкорликда «Оналари эъзозланган юрт!» мавзуида, кеча уюштирди. Унинг иштирокчилари фуқаролик жамиятини қуришда аёлларнинг ўрни, уларни жамоат ишига жалб қилиш ва хотин-қизлар мавқеини ошириш каби масалалар юзасидан сўз юритдилар.

Тадбир ёш санъаткорларнинг концерт дастури билан давом эттирилди.

ХДП **Янгиариқ тумани** «Остона» қишлоғида жойлашган касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бўлиб ўтди. Унда туман кекса аёллари ҳамда барча жабҳаларда фаол иштирок этаётган хотин-қизлар мукофотландилар. Улар орасида 100 ёшли Б.Қурёзова ва партия фаоллари — Ё.Қозоқова, Н.Оллаберганова, Р.Раззоқова, Р.Зинатуллина, М.Солиевалар бор. Шунингдек, туман кенгаши томонидан, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва «Қизил ярим ой» жамияти туман бўлинмалари билан биргаликда касалхонада даволанаётган 38 нафар аёллар ҳолидан хабар олинди, 56 та кам таъминланган оилаларга йўқловлар ташкил этилди.

Партия **Янгийўл шаҳар кенгашининг** «Олам мунаввалиги» мавзуидаги тадбири ҳам аёлларнинг жамият ва оиладаги ўрнига бағишланди. Тадбирга «Зукко» қўшма корхонаси ҳомийлик қилди.

ХДП **Янгийўл шаҳар кенгашининг аъзоси,** 6-мактаб директори Н.Кожохинанинг саъй-ҳаракатлари туфайли Рус маданият маркази ўз фаолиятини бошлади. Марказ очилиши маросимида корхона раҳбарлари, депутатлар, жамият ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққан ХДП Янгийўл шаҳар кенгашининг иккинчи котиби С. Абдуллаева, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Х.Ҳайдаровалар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида нодавлат ташкилотларнинг мавқеи тобора кенгайиб бораётганлиги ва уларнинг давлат идоралари ҳамда партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланаётганлиги ҳақида сўз юритдилар.

ХДП **Ангрен шаҳар кенгаши** «Маънавият ва маърифат» маркази шаҳар бўлими билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тарғиботчи-воизлар кўрик-танловида ХДП аъзоси, Тошкент вилоят педагогика олийгоҳининг катта ўқитувчиси З.Омонов ғолиб чиқди. Кўрик-танловда фаол иштирок этган барча тарғиботчи-воизлар Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Урганч туман партия кенгаши ижроия бюросининг йиғилишида «Қоровул» қишлоқ ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Қ.Рўзметов барча маҳаллаларда очиқ партия йиғилишлари ўтказиш тўғрисидаги ташаббус билан чиққан эди. Бўлиб ўтаётган йиғилишларда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларни ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш масалаларини ҳал этишда партия ташкилотларининг амалий ишлари тўғрисида сўз бормоқда. Шунингдек, диний экстремизм, гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш масаласига эътибор берилмоқда.

«ЎЗГЎШТСУТСАНОАТ»
ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ВА
«КОНМИТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

барча юртдошларимизни
қадимий ва навқирон,
янгиланиш ва яшариш байрами —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан муборакбод этади

СУРХОНДА КЎКЛАМ НАСИМЛАРИ

Баҳорий насимлар, ранго-ранг гулу чечаклар, қумри-ю булбулларнинг турфа наволари Наврўз ташрифидан дарак беради. Бутун оламда янгиланиш, яшариш, ажиб бир ўзгариш. Хуллас, туну кун посангиси тенглашаётган сонияларда Термиз аҳли Наврўз тантаналарини кенг нишонлади.

«Алпомиш» ўйингоҳи томошаларнинг бош майдони бўлди. Тонг саҳардан бу ерга қадами етган меҳмону мезбонлар чорланди. Вилоят маданият ишлари бошқармаси ходимларининг жонкуярлик билан ишлаганликлари кўзга ташланди. Албатта, таралаётган мусиқалар, безаклар томошабинлар кайфиятини кўтаргани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Вилоят ҳокими Тошмирзо Қодировнинг табрик нутқида эса шу кунги байрам ўзгача тароват билан бошланиб, янги даврга қадам қўяётганлигимиз ўз ифодасини топди.

Сурхондаги шодиёналар чоғи қўшни давлат Афғонистонда ҳам халқаро терроризмни янчиб, тинчлик миссиясининг бошланганлиги ва бу савобли ишларда барча эркпарвар халқлар қаторида ўзбек элининг ҳам ҳиссаси борлигини айтмоқлик жоиз.

Айтишларича, 1370 йили Ислом пешволаридан бири, термизлик Саид Барака Амир Темурга пешвоз чиқиб, подшоҳлик рамзи сифатида туғ ва ноғора туҳфа қилган экан.

Наврўз тантаналари сценарийси муаллифларидан бири, шоир Шафоат Раҳматулла Термизийнинг сўзига қараганда, бу йилги байрам мазмунан янада бойиган. Жумладан, Термизнинг 2500 йиллик юбилейига бағишланган саҳна кўринишлари барчани мафтун этди. 14 та фольклор-этнографик дастанинг миллий анъаналаримиз аксини топган чиқишлари кўпчиликка маъқул тушди. Айниқса, олтинсойлик санъаткорларнинг қўғирчоқли томошалари, деновликларнинг эса ёғоч оёқдаги рақслари ўзига хос янгилик бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Норали Алланазаров, Амирулло Нарзуллаев, хонандалар Абдураим Турсунов, Гулимоҳ Мелибоеваларнинг ҳам қўшиқлари олқишлар билан қаршиланди.

Меҳмон бўлиб келган таниқли хонандалар Дилфуза Раҳимова, Ҳосила Раҳимова ва Равшан Комиловлар кўпчиликни хушнуд этди. Полвонлар беллашуви тўйга файз киритди.

Бу йилги Наврўз Термизда ана шундай фараҳбахш руҳда қаршиланди.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚАДИМ БУХОРОЧА САЙИЛЛАР

Дарвоқе, бундан минг йиллар аввал ҳам Наврўзи олам тутқунликларни писанд қилмай, маънавий ҳаётдан, маросимлардан, қарашлардан озиқланиб, мазмунан бойиб, шаклан ранг-баранг бўлиб бораверган. Буни Бухорои шариф тарихидан билса бўлади. Бухоро амири Убайдуллахон Наврўзни нишонлаш бўйича (XV асрда) махсус фармон қабул қилган экан. Унда «Бухоронинг барча косиб-ҳунармандлари ўз дўконларини чиройли қилиб тузатиб, кечакундуз узлуксиз савдо қилсинлар, сайилга чиққан одамлар қачон хоҳласалар роҳат-фароғат ва ўйин-кулгуга берилсинлар, ҳеч бир нарса бу ишда тўсқинлик қилмасин!» деб ёзилган экан. XIX асрга келиб, амирлар Абдулаҳадхон, Саид Олимхон Бухорода Дарвозаи Ўғлон даҳасида яшаган санъаткорлар, Арк ноғорахонасида созанда, хонанда, раққос, масхарабозлардан иборат бир қатор ижодий гуруҳлар Наврўз байрамида фаол қатнашишларига изн берганлар.

Бугун Бухоронинг ўша қадимий ўн икки дарвозаси ҳудудида сайил, дошқозонларда сумалак, ҳалим. Уларнинг ҳиди борлиқни қоплаган, ҳамма шодон, ўйин кулги авжида. Шаҳарнинг қоқ марказидаги амфитеатрда эса байрамнинг асосий тантаналари ўтади. Олис туман ва қишлоқлардан ташриф буюрган ёшу қари, меҳмонларни вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Самойиддин Ҳусенов Наврўзи олам билан қутлайди. Шундан сўнг театрлашган байрам томошалари бошланади. Унда 2 мингга яқин ёш истеъдод соҳиблари, таниқли санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Байрам иштирокчилари Пешку туманидаги «Афшона», Вобкентнинг «Мардона» фольклор-этнографик дасталари чиқишларини олқишладилар. Наврўз томошасининг хотимасида самога тинчлик рамзи бўлган юзлаб оқ кабутарлар парвоз этади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ҚЎШЧИҚАРОҚ»

Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларининг ўзида бундай урфлар қанча? Масалан, Олтиариқ, Қора қушчи, Риштон томонларда «Дарвешона» удуми ҳамон яшайди. Яъни, Наврўз кунлари маҳалла аҳли ёш-қариси билан қишлоқ чеккаси ёки қирларга кўчиб чиқади. Ўша куни шу овлоқ ерда қозон осилади, қўй сўйилади, ўйин-кулгу авж олади. Хуллас, кўни-қўшнилар тирикчилик ташвишларини бир чеккага йиғиштириб, бир кун дарвешларча ҳаёт кечирадилар...

Лоғон, Қувасой, Аввал ва Сўх юртларида Наврўз арафасида сумалакдан хамир қориб, нон ёпадилар ва сумалак-нон билан бирбирларини сийлайдилар.

Учкўприк, Бувайда тарафларда ҳайдалган ерга қалин бодроқ сепадилар, чавандозлар эса бодроқ сепилган майдон узра пойга чопадилар. Балки, ҳосилимиз бодроқдай унсин, учқур от тезлигидай шитоб билан ўссин, деган мазмун яширидир бу удум замирида...

Водил атрофларидаги кентлар ва қишлоқлар «Қўшчиқароқ» деб юритиладиган, илдизи олис ўтмишга оид маросимни ҳамон нишонлайдилар. «Қўшчиқароқ» Наврўзнинг узвий қисми ҳисобланади ва очиқ далада ўтказилади. Маросимда қишлоқнинг каттаю-кичиги қатнашади. Энг бақувват хўкизлар қўшилган омоч дала четига келтирилади. Яхши ниятлар билан хўкизларнинг шохлари, бўйинтуруқларга омоч дастаги, омочнинг ўзига мой суртилади. Хўкизлар бошидан озгина ун сепилади. Сўнг қишлоқнинг энг кекса, обрўли отахони янги йил деҳқончилигига барака, деҳқонларга омад, қишлоқ, юрт аҳлига фаровонлик тилаб дуога қўл очади. Кўпчиликнинг дуои-фотиҳасидан кейин деҳқон қўшни етаклаб пайкалга чиқади.

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
«ПАХТАСАНОАТ»
УЮШМАСИ

Бутун Ўзбекистон халқини, мамлакатимизга ташриф буюраётган меҳмонларни
Наврўз айёми
ила муборакбод этади! Янгиланиш фасли, кириб келаётган от йили барча-барчага бахт, омад, улкан қувончлар ҳадя этишини тилаб қоладилар.

ҲУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!

Акциядорлик тижорат
«Ўзсаноатқурилишбанк»и
Сизларни Наврўз байрами билан
самимий муборакбод этади!

Ушбу байрамимиз ҳамиша тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат ва бунёдкорлик байрами бўлиб қолсин!
«Ўзсаноатқурилишбанк» Наврўз байрами кунларида ҳамда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Навбаҳор» деб номланган янги, юқори даромад берувчи муддатли омонат турини
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Мазкур омонат турига пул маблағлари аҳолидан шу йилнинг 20 мартидан 31 мартига қадар 15 кун муддатга йиллик 72 % даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори 30 минг сўм бўлиб, ушбу омонатга пул маблағлари «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча жамғарма кассаларида қабул қилинади.

Ўз жамғармаларингизни Банкимизда сақлаш ва кўпайтириш имконини қўлдан бой берманг!

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН: 120-45-24, 133-34-45

ЧЕЙНИ МУЗОКАРАЛАР БОШИДА

АҚШ вице-президенти Ричард Чейнининг навбатдаги учрашуви Туркияда бўлди. РАТАТАСС мухбирининг хабар беришича, Анқарада ўтадиган музокараларда АҚШнинг Ироққа қарши уюштириши эҳтимол тутилаётган ҳарбий операцияси юзасидан фикр алмашилади. Р.Чейни бу борада Туркия АҚШни қўллаб-қувватлашига умид билдирмоқда.

Сўнгги хабарларга қараганда, Канада Бош вазири Жан Кретьен Си-би-си телекомпаниясига интервью бериб, АҚШ Ироққа қарши операция бошласа, канадалик ҳарбийлар ҳам унда иштирок этиши мумкинлигини маълум қилган.

АҚШ вице-президенти бундан аввал Исроилда Бош вазир Ариэл Шарон билан учрашган эди. Унинг таъкидлашича, АҚШ Исроилнинг террорчиликка қарши курашини қўллаб-қувватлайди. АҚШ бундан кейин ҳам Фаластин-Исроил можаросини тўхтатиш ва тинчлик музокараларини бошлашга имкон қадар кўмаклашади, деди у.

ЎЗБЕКИСТОН «FOODEX JAPAN — 2002» КЎРГАЗМАСИДА

Япония пойтахти яқинидаги Чиба шаҳрида ўтказилган ушбу халқаро кўргазмада республикамиз вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. «TBS» телекомпаниясининг кўргазмага бағишланган махсус кўрсатувида ҳам айнан шундай фикр илгари сурилади.

Ушбу кўргазмада 74 мамлакатдан икки ярим мингга яқин фирма ва компаниялар, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этишди. Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, бу ерда МДҲ мамлакатлари ўртасида фақат бизнинг республикамизда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш этилди. Уни ташкил этишда Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзэкспомарказ» ва Японияннинг ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) фаол қатнашдилар.

Бутун жаҳонда, хусусан Осиё ва Тинч океани минтақасида юқори мавқега эга бўлган «Foodex Japan» кўргазмаси бу йил йигирма еттинчи марта ўтказилди. Бу гал Чиба шаҳрида уюштирилган озиқ-овқат кўргазмасида «Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорациясининг «Тошкент-нон» корхонаси, «Ўзгўштсаноат» давлат ҳиссадорлик ассоциациясига қарашли «Конмит» қўшма корхонаси, «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясининг «Матлуботсавдо» ассоциацияси, шунингдек, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси ҳамда «Бер-Ад» хусусий корхонаси ва бошқа фирмалар иштирок этишди.

Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг бундай нуфузли кўргазмаларда иштирок этиши, албатта давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишига, маҳсулотларимизни дунё таниб, ватанимизнинг экспорт имкониятларининг янада ортиб боришига хизмат қилади.

■ «Жаҳон» АА

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Ҳиндистон парламентининг қуйи палатаси терроризмга қарши янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Ички ишлар вазири Лал Кришна Адванининг айтишича, янги қонун мамлакатни террор хавфидан ҳимоялаши ва фуқароларнинг демократик ҳуқуқларини муҳофаза қилиши керак. Лойиҳа яқин кунларда овозга қўйилади. Юқори палата кўриб чиқиб, маъқуллаганидан кейин қонун кучга киради.

«ОСИЁ-ВЕСТ»
OSIYO WEST
«ОСИЁ — ВЕСТ»

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ — ИСРОИЛ
қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини ажойиб
байрам — Наврўз
билан чин юракдан муборакбод этади.

Ниятимиз — ҳар хонадонда илиқлик, ёруғлик, аҳиллик бўлсин. Зеро, Наврўз йилнинг бошланиши экан, шу кун қандай тантанали ва тўкин бошланса, йил охири ҳам шундай бўлади.
Мамлакатимиз осмони ҳамиша тинч бўлсин!
Юртдошларимизга омад,
тинчлик, хотиржамлик тилаймиз!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНК «АЛОҚАБАНК»

КЕНГАШИ 2002 ЙИЛ 20 АПРЕЛЬ СОАТ 10⁰⁰ ДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ А. ТОЛСТОЙ КЎЧАСИ 1-УЙДА ЖОЙЛАШГАН ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИДА:

1. АТ «Алоқабанк» бошқаруви раиси тўғрисида.
2. АТ «Алоқабанк»нинг 2001 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ва банкнинг 2002 йилдаги асосий йўналишлари тўғрисида.
3. АТ «Алоқабанк»нинг 2001 йил учун бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
4. АТ «Алоқабанк»нинг 2001 йилдаги молия-хўжалик фаолияти учун тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
5. «PricewaterhouseCoopers» ташқи аудит компанияси ҳисоботини тасдиқлаш.
6. АТ «Алоқабанк» устав капиталининг эълон қилинган миқдорини ошириш ва банк уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
7. АТ «Алоқабанк» Кенгаши таркиби тўғрисида.
8. Бошқа масалалар.

БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ ВА МАЖЛИС ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ 2002 ЙИЛ 20 АПРЕЛЬ СОАТ 9⁰⁰ ДАН 10⁰⁰ ГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
133-62-54, 136-76-86, 137-49-35
БАНК КЕНГАШИ

АТ «АЛОҚАБАНК»

Ўзбекистон халқини эзгулик, тотувлик ва меҳрибонлик байрами —
НАВРЎЗ
билан чин қалбдан табриклаймиз!
Барчангизга сиҳат-саломатлик, жонажон Ватанимиз — Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик меҳнатингизда зафарлар тилаймиз.

Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

«АЛОҚАБАНК» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

Муқаддас ва қутлуғ ўзбек заминига ифор таратиб яна Наврўзи олам кириб келди.
Мустақиллик шарофати туфайли, мана, ўн йилдирки бу ўлканинг баҳори билан юзма-юз бўлиш насиб этди.
Ўн йилдирки, шу халқ билан елкадошман.
Наврўз айёми муносабати билан ўз тилакларим ва ҳурматимни изҳор айлайман.

Бугун Ўзбекистонга, шу номдаги бир бутун миллат яшайдиган ўлканинг оти сифатидагина қараш хато бўлар эди. Ўзбекистон – бани башарнинг мингларча йил давомида сабр билан, қунт билан ёзган ҳамда бу кекса сайёрамизда оддий кўзлар-ла ҳали ҳам ўқиш мумкин бўлган бир маданият васиқасининг номидир.

Бу васиқанинг замини Мовароуннаҳр диёри, ҳарфлари минг бир рангли ипаклар, фируза сирли кошинлардир.

Ҳар бир қарич еридан тарих бўйлари таралиб турадиган Самарқанд кўчаларини кезар экансиз, қайсидир бурчакда янграган карнай садолари сизни юзлаб йиллар ортга — мозий қаърига элтиб қўйгандай бўлади. Бу ўлкада тўйлар байрам, байрамлар тўй каби асрлардан бери муҳаббат ва ҳаяжон ила қутланади. Ҳар байрам ва ҳар тўйда, муҳаббатга тўла қалбларнинг ҳароратли туйғулари Навоийнинг юрагида ёмғирга айланиб, лабларидан шеър бўлиб, мисра бўлиб тўкилгандир. Бу мисралар ва улардаги маънолар Алишер Навоий набираларининг юракларида бугун ҳам жаранглаб турибди.

Минг йиллардан бери тўхтамай давом этиб келаётган бир гўзаллик баҳсининг саҳнасидир Ўзбекистон! Бу саҳнада ёғочлар тошлар билан беллашади. Маҳоратли усталар қўлида нақшинкор қилиб ишланган ёғоч эшиклар ва устунлар, ранго-ранг сополларнинг мафтункор гўзаллиги билан баҳслашади. Миноралар бу саҳнада бор чиройларини кўз-кўз қилади.

Энг кўркам саройлардан тортиб, энг камтарона уйларгача бўлган томларни ёпиб турган бу шифтларнинг ҳар бири ўзгача ҳайрат ва тафаккурга солади. Буларда завқнинг, сабрнинг ва ғоятда нозик ўлчовнинг ўзаро узвий боғланишларини кўрасиз. Сизни хаёллар оламининг теранликларига элтувчи бу ҳунар — санъат, аслида ўзбек ҳунармандининг руҳидаги бойликни ва қарашларидаги теранликни намойиш қилади.

Худди мана шу ўткир назарли кўзлар самонинг сирли кенгликларини илк кашф этган. Юлдузлар оламини-ю сайёралар дунёсини фатх қилган олимлар мана шу заминнинг мевалари ва ўлмас каҳрамонларидир. Бир томондан юлдузлар харитасини чизар экан, бошқа томондан ер куррасининг экваториал узунлигини аниқ ўлчаган ва унинг илк нусхасини (глобусни) яратган Беруний, ёруғлик ва овознинг тезлик фарқлари ҳақидаги илк илмий тадқиқотларнинг эгаси ҳамдир. Уммонлар ортида янги бир қитъанинг мавжуд эканидан инсониятга бундан минг йил аввал хабар берган зот ҳам Беруний-дир.

Бошидаги салтанат тожини кўкдаги юлдузлар билан безаган Мирзо Улуғбек, ўзи бино этган дунёнинг илк замонавий расадхонасида галактикамиз ҳақидаги биринчи ва энг тўғри ҳисобларни қоғозларга туширгандир. Унинг кун, ой ва йилга оид ҳисоблари шу қадар аниқки, бугунги энг янги жиҳозлар билан олинган маълумотлардан бор-йўғи икки сонияга фарқ қилади, холос. Расадхона биносига боқаркансиз, Улуғбек ҳали ҳам ичкарида, ҳисоблари билан машғул тургандай ҳиссиёт чулғайди сизни.

Ер юзидаги табиат хазинасидан шифо жавҳарларини кашф этган ва инсониятнинг, тиббиётнинг хизматига тақдим этган Ибн Сино шу юртнинг фарзандидир.

Тафаккурида рақамларни ракс эттирган ва нуль рақамини кашф этиб, математика фанида уйғонишни бошлаб берган ал-Хоразмий, ўзи очиб кетган йўлдан бораётган билим сайёҳларининг зафарларини мадрасасининг дарчасидан ғурур ила кузатиб турғандай.

Кўзларни қамаштиргувчи бу маданият қалбларни ғурурга тўлдиради. Бугун бу ерда яшаётган халқлар бундай ғурурга ҳақли равишда соҳибдирлар. Бу ватан инсонларининг юракларида Аллоҳга муҳаббат, инсонга муҳаббат ва табиатга муҳаббат ўзаро бир-бирига йўғрилиб кетган. Ҳунарманд қўллар ёғочга ва тупроққа нақш берарркан, моҳир тиллар ҳам юракларга нақш берган, нақш-ла банд этилган ва бир-бирига узвий боғланиб кетган. Нақшбандийлар диёри бўлиши ҳам шу боисдандир.

Минглаб йиллар бир дарё каби оқиб ўтган Буюк ипак йўлининг миллионлаб йўловчилари бу ерда хотиржамликка, хузурга ва тандирдан янги узилган нонларга дуч келганларида, ҳорғин вужудлари янгидан жонлангандир.

Бугдойи, мевалари ва паловидаги лаззат ва баракат минг йиллардан буён турли дин, турли дил ва турли ирқ инсонларини лолу ҳайрон колдирган. Аслида, бу лаззатнинг сири ўлканинг қуёшида ва сувида эмас, балки одамларининг қалбларида ниҳондир.

Қадим-қадим маданият эса, бу ўлка инсонларининг қонларида сақлангандир. Кечаги куннинг ипакка, пахтага, ёғочга ва тупроққа шакл берган моҳир қўллари бугун ҳам боболаридан ёдгор қолган ҳунарларни давом эттиришга ғайрат қилаётирлар.

Бу ерлар тинчликнинг, ҳунарнинг ва тижоратнинг манзилидир. Замонавий дунё бугунга келибгина идрок этгани – «бозор иқтисодиёти» тушунчасига бу халқ неча асрлар олдин ҳам ақлан ва қалбан тайёр эди. Ўзбекларнинг «Мозорга ва бозорга тегиб бўлмайди», деган мақоли буни энг мўъжаз бир шаклда ифода этади.

Буюк ипак йўли энди тарихда қолди. Бугун инсоният Ипак йўли билангина эмас, ипак каби толалар билан ҳам бир-бирига боғланмоқда. Хоразмийнинг набираларида ва Берунийнинг авлодларида бугун тотли бир ҳаяжон бор. Бу ҳаяжон, уларга қолдирилган буюк меросга муносиб келажакни бунёд этиш ҳаяжонидир. Бир замонлар Буюк ипак йўлидан ўтган карвонларга дарвозаларинигина эмас, кўнгилларини ҳам очган бу диёрнинг халқлари бугун ҳам айни ҳаяжон ва қайноқ туйғулар ила кунимизнинг замонавий ширкатларини ва тадбиркорларини кутиб олмоқдалар.

Аҳмет ДЕМИР

Today it is impossible to take it just as a nomination of an area where a nation resides. Uzbekistan is a name of a civilization that was created by the mankind for thousands of years with all patience and diligence. It is the name of a culture of our ancient planet that can easily be read.

The parchment of this original are the sands of Maverannakhr, and the letters on it are versicolour silk and the sky blue of the brick.

Walking down the streets of ancient Samarkand, breathing mysterious smell of History you hear the tones of karnay that bear you to the past of several centuries. In these lands holidays are celebrated like wedding parties - with love, joy and inspiration that have not lost their significance to the date. These feelings vibrated in the poetic soul of Alisher Navoi and embodied into glorious verses of poems. These verses and their hidden meaning still have echoed in the souls of descendants of the Great Poet.

Uzbekistan is an evidence of millennial competition of architecture. On this stage wood competes with stone. Cutwork gates, created by skillful masters, compete with the fairy beauty of multicolor ceramics. Minarets, domes, klim present shapes in this screen. Beautiful vaults of magnificent palaces and modest houses amaze you with gorgeousness and singularity of ceiling ornament. You will see a delicate combination of taste, diligent work of master, and accuracy of geometrical design. This art bringing us to the depth of a fantasy world and brightly expresses spiritual riches and profound outlook of the artists.

These profound eyes were the first to look into mysterious abyss of the sky. The scientists who conquered the world of stars and planets are also sons of this sacred land and will be its heroes forever. Biruni The Great made the star map and a model of the globe and calculated the diameter of earth. He is the first scientist who made initial scientific study of differences between the velocity of light and sound. When Biruni was working on time measuring devices, he was the first to declare, in the thirteenth century, the existance of an unknown continent beyond the ocean.

Myrzo Ulughbek, who followed Biruni's way, built the first modern observatory in the world, where he made the first discoveries in regard to the mechanism of the galaxy. His calculation of duration of day, month and year are so precise that they vary from the calculations of super-modern devices by 2 seconds.

Looking at the Observatory building, one may believe that Ulughbek himself is inside and works, bending over a map, on his calculations.

Avicena (Abu Ali Ibn Sina) who discovered the treasures of curing in the treasuries of the Nature and gave these riches away to the world medicine is also a bright descendant of this land.

Al Khorezmi, a great mathematician who discovered the concept of "zero" and founded computation may seem to proudly observe and gladden success of his descendants who follow his way in the world science.

The brilliant civilization makes its success feel pride. Today all the peoples inhabiting this land are fairly and deservedly proud of their history. When skillful hands of masters pattern wood and clay, eloquent mouths enrich hearts, all this embodies in a beautiful tracery – naksh. That is why this country is called the motherland of Nakshbandi descendants.

Abundance of bread, fruits and plov, their perfect taste has always astonished people of various faiths, languages and races. In fact, the mystery of this taste does not root in the sun of water of the region, but in the hearts of the people of this inimitable land.

Millennial culture is recorded and preserved in the genes of the people of this land. The hands of masters who proficiently worked up silk, cotton, wood and clay pass on the lamp of the ancestors.

Uzbekistan is destination of peace and stability, art and trade. This people for many centuries have been ready, both mentally and with its heart, to comprehend the market economy that the modern world has just known. An Uzbek proverb says "Do not interfere with cemetery, do not break marketplace".

The Grate Silk Road was out of date. Today mankind is linked not with the silk road, but with "silk" cables. Grandchildren of Al Khorezmi and descendants of Biruni are feeling sweet agitation in their souls. This agitation is caused by their worrying about whether they will be able to profit from the great heritage and build a deserving future.

The peoples of this land who opened not only gates but their hearts to the caravans going through the Great Silk Road, emotionally and cordially welcome modern companies and entrepreneurs of the world.

Ahmet DEMIR

Ана шундай муборак бир заминда, шу ўлка халқлари билан биргаликда баҳор байрамини кутиб олаётганимиздан мамнунмиз ҳамда ушбу қутлуғ диёр халқини ва ҳукуматни чин дилдан табриклаймиз.

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

DM
DEMİR GROUP

МАРҲАБО НАВРЎЗ!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ЎЗДЭУАВТО» КОМПАНИЯСИ

Сизларни баҳор байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан табриклайди ва 5 та ютуқли автомобиль ўйинида иштирок этишга таклиф этади. Сизларнинг ҳар бирингиз компаниямизнинг ажойиб совғаси — автомобиль соҳиби бўлишингиз мумкин. Ўйинда иштирок этинг ва омад Сизга ёр бўлсин! Компаниянинг расмий дилерлари Сизларни кутмоқда!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларидан сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг:

автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65

«СУРХОНДАРЁ-САНОАТ»

ҲУДУДИЙ ҲИССАДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Навқирон ва ҳамиша гўзал шодиёна

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.
Ўзбекистон Аллоҳ назари тушган серқуёш, жаннатмакон юрт.
Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ана шу қутлуғ диёр порлоқ келажаги учун ҳар бир ватандошимиз юракдан меҳнат қилмоғи, юрт бахт-саодати учун ёниб яшаш саодати ҳаммамизга насиб этсин.
Бутун борлиқ яшариб, еру кўкда буюк мўъжизалар содир бўладиган паллада Наврўз нафосати ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсонга қувонч, шодлик олиб келсин!

Дошқозонлардаги сумалаклар тотидек ҳаёт барчамизга насиб бўлсин!
Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ кунда биз ҳам Яратгандан ҳар бир хонадонга тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик тилаймиз.
Ҳалол меҳнат билан ризқ-насибасини топадиган халқимиз ҳамиша бор бўлсин!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДА – НАВРЎЗ

Наврўзни қандай нишонланиши ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Пўлат Айтмуратов шундай деди:

— Қорақалпоғистонда байрамга пухта тайёргарлик кўрилди. Нукус шаҳрида ўтказиладиган Наврўз тантаналарига алоҳида сценарий ёзилган. Бош режиссёр Ўзбекистон халқ артисти Н. Ансатбаевдир. Унга мусиқа раҳбари, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Ш. Пахратдинов, бош балетмейстр А. Шариповлар кўмаклашади.

Шунингдек, Тошкентда ўтказиладиган Наврўз байрамига ҳам муносиб туҳфа ҳозирлаганмиз. Хусусан, таклиф қилинган уч кўринишдан бири «Мен сахрои элман — қорақалпоқман» номли композиция маъқул деб топилди. «Айқулаш» гуруҳининг чиқишлари яхши баҳоланди. Томошаларнинг эстрада бўлимига эса «Гулзор» гуруҳидан Г. Мунтаева ижросидаги қўшиқ қабул этилди.

Байрам қувончлари миллий ғоя, истиқлол мафкураси, Қарияларни қадрлаш йилининг дастурлари билан уйғунлашади. Меҳрибонлик, содиқликка чорлайдиган, дўстлик, тинчлик, ҳалол меҳнат, чин муҳаббатни тараннум этгувчи қўшиқ, рақс, айтишувлар ва болаларнинг чиқишларига кўпроқ ўрин берилади. «Ассалом Наврўзим — баҳор байрамим» сценарийси бир неча бор муҳокама қилинди. Ўйлаймизки, бу йилги Наврўз байрами ҳар қачонгидан ҳам гўзал ва бетакрор бўлади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ШОДЛИККА ХИЗМАТКОР, ХУРСАНДЛИККА ЭШ

Юртимиздаги катта-кичик тадбирлар Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошидаги бадиий жамоалар хонандалари-ю созандалари иштирокисиз ўтмайди, десак хато бўлмас. Бугун нишонланаётган улуғ байрамимиз Наврўз айёми тантаналари ҳам бундан мустасно эмас. Ростини айтганда, ана шундай байрам тадбирларини чиройли қилиб ўтказишда кўплаб инсонларнинг меҳнатлари борлигини ҳамма ҳам билавермайди. Бозорбой Сафаров ана шундай санъаткорлардан бири...

Қаранг, Бозорбой аканинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошидаги Дони Зокиров номли чолғу оркестрига ишга келганига 30 йил бўлибди. Шу йиллар орасида, эҳ-ҳе, қанча ишлар қилинмади, қанча довонлар ошиб ўтилмади, дейсиз. 1986 йилда Телерадиокомпания қошида Бадиий жамоалар дирекцияси тузилган эди. Шу жамоага у директор муовини этиб тайинланганди. Кўп ўтмай дирекцияга ўзи бош бўлиб, мана шу кунгача унинг фаолиятини муваффақиятли юргизаяпти.

Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли, дуторчи қизлар ансамбли, республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси, Д.Зокиров номидаги халқ чолғу оркестри, миллий эстрада оркестри, камер оркестри ва «Булбулча» болалар хоридан иборат бу катта жамоани бугун биз юртимизнинг ҳар бир байрамида, шодиёналарида кўрамиз. Уларнинг баъзиларини эса дунё билади, танийди, тан олади. Оддийгина мисол, 1999 йилда ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивалида мақомчилар ансамблининг хонандаси бош соврин соҳиби бўлди, ўтган йили эса шу қўшиқ фестивалида ансамбль ҳофизлари 1-ўринни эгалладилар.

Жамоада байрамга пухта тайёргарлик кўрилди. Халқимизнинг қутлуғ байрамини сермазмун, шодон ўтказиш учун алоҳида масъулият талаб этилиши табиий. Бозорбой ака айтганидек, халқимизнинг яхши кунларида бу жамоанинг иши янада кўпаяди. Халқ ташвишида юрган инсонларнинг ҳар куни байрам, ҳар куни Наврўздир.

■ **Толиб ТЎРАҚУЛ**

НАВРЎЗДАН БОШЛАНАР МУЧАЛ

Бу ўлкада қадим замонларданоқ тиббиёт, риёзиёт, илму нужум каби фанлар ривожланган. Шоҳ саройларида алоҳида башоратчи-ю мунажжимлар сақланган. Ой, Қуёш, сайёралар ҳаракатига қараб юришлар, сафарлар, шикору маросимлар уюштирилган. Йилнинг ўн икки ҳайвон номи билан аталиши ва 12 йиллик давр билан ҳисоблаш анъанасига қадимги Хитойда асос солинган.

Агар Хитойда астрономик кузатишлар милоддан аввалги минг йиликлар ўртасидан бошланганлигини эътиборга олсак, мучал ҳисобига асос солинганига камида 3,5 минг йил бўлгани ойдинлашади. Бундай удум туркий, мўғул ва Эрон халқларига шарқдан ўтган. Мучалга тўнғиз, маймун, ит каби ҳайвонлар кириб қолгани ҳам шундан.

Агар Японияда мучал алмашиши январдан бошланса, Хитойда 13-16 февралдан ҳисобланади. Қадимий Туркистонда 21 мартдан бошланади. Кун ва туннинг тенглашиши, Наврўз — янги кундан нишонадир.

Мучалингизни аниқламоқчи бўлсангиз туғилган йил сонига 9 рақамини қўшиб, йиғиндисини 12 га бўлинг. Шунда қанча қолдиқ сони қолса, бу рақам мучал йили тартибини англатади. Масалан: 5 рақами балиқни англатса, 7 рақами от бўлур. Мисол учун сиз 1932 йили туғилган бўлсангиз. (1932+9=1941.

1941:12=161, қолдиқ 9.)

№	Туркона	Форсча	Ўзбекча	Йиллар
1.	Қешқу	Муш	Сичқон	1960-72-84-96-2008
2.	Ўт	Гов	Ҳўкиз (сигир)	1961-73-85-97-2009
3.	Барс	Паланг	Йўлбарс	1962-74-86-98-2010
4.	Товушкан	Харгуш	Қўён	1963-75-87-99-2011
5.	Лу	Наҳанг	Балиқ	1964-76-88-2000-2012
6.	Илон	Мор	Илон	1965-77-89-2001-2013
7.	Юнед	Асп	От	1966-78-90-2002-2014
8.	Қўй	Гусранд	Қўй	1967-79-91-2003-2015
9.	Сичен	Ҳамдуна	Маймун	1968-80-92-2004-2016
10.	Дакук	Мурғ	Товуқ	1969-81-93-2005-2017
11.	Ит	Сак	Ит	1970-82-94-2006-2018
12.	Тўнғиз	Ҳук	Тўнғиз	1971-83-95-2007-2019

Демак, мучаллар таснифига кўра Маймун (ҳамдуна) йилида туғилган бўласиз.

Ўтмишимизда ёшлар бир ёки икки мучал ёшига етганида (биринчи мучал 12 йил ва она қорнидаги давр билан 13 йил деб ҳисобланган) ўзига хос нишонлашлар амалга оширилган. Ўйинкулги, шеърхонлик қилишган. Афсуски, бундай ажойиб одатимиз унутилмоқда.

2002-йил эса оқ айғир — От йили бўлиб, мустаҳкам ирода, сабот-матонат, тиришқоқ, меҳнаткаш одамларга хослик, ишонч, қувонч, эзгу ниятлар ва орзу-умидлар давридир.

■ **Гофур ЖЎРАЕВ**

(Газетанинг навбатдаги сони 22 март, жума куни чиқади)

СПОРТ

ГИЛАМДА – ЎРИНБОСАРЛАР

Шу йил май ойида ўтказиладиган «Универсиада—2002» мусобақаларига ҳозирлик кўрилаётган Бухорода ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланди.

Ўнта вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 150 нафарга яқин спортчи қатнашди. Уч кун давом этган кескин баҳсларда Анвар Далмазанов (46 кг. Тошкент), Уайс Телегенов (50 кг. Нукус), Шароф Мирзаев (54 кг. Андижон), Ботир Ҳамроев (58 кг.), Искандар Алиев (63 кг. Тошкент), Улуғбек Азимов (69 кг. Бухоро), Озод Эшетаев (76 кг. Нукус), Баҳодир Қурбонов (85 кг. Бухоро), Вадик Пегай (97 кг. Нукус), Улуғбек Назаров (120 кг. Тошкент)лар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар.

СИНОВ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Андижонда юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги мамлакат биринчилиги ниҳоясига етди. Мусобақаларда 110 нафар курашчи қатнашди.

Шахсий ҳисобда Эркин Алимов (50 кг. Навоий), Ислом Шодмонов (56 кг. Самарқанд), Валижон Жонхўрозов (58 кг.), Зиёдулла Абдуллаев (63 кг. Тошкент), Мурод Мирзараҳимов (69 кг. Андижон), Иньом Ибрагимов (76 кг.), Рамиль Аҳмедов (85 кг. Тошкент), Баҳриддин Сулаймонов (97 кг. Бухоро), Сулаймон Рамазонов (120 кг. Навоий)лар бош совринни қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар биринчи бўлишди. Кейинги фахрли ўринлар Навоий ҳамда Андижон вилоятлари вакилларига насиб этди. Эътиборлиси, ушбу биринчилик яна уч ойдан сўнг бошланадиган Осиё чемпионати олдидан синов вазифасини ўтади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

«ҒАЛЛАБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, ҳамкорлар ва мижозларини гўзаллик ва баҳор байрами –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади.

Янгиланиш ва яшариш байрами барчангизга бахт ва қувонч, фаровонлик ва омад олиб келишига тилакдошимиз.

GALLABANK

ТОЖАРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ ЯШАШ БАРАКА КЕЛТИРСИН!

Азиз Ватанимиз равнақи йўлидаги барча ишларингизда зафар ёр бўлсин!

2-сон темир-бетон маҳсулотлари заводи

очиқ акциядорлик жамияти

МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

Серқуёш Ўзбекистонимиз халқини

НАВРЎЗ

айёми билан чин қалбдан табриклайди.

Мустақиллигимиз шарофати билан йил сайин обод ва гўзал бўлиб бораётган жонажон мамлакатимиз бундай Наврўзи олам шодиёналарида янада тароватли бўлиб кўринмоқда.

Айниқса муаззам Тошкент шаҳри улкан қурилишлари билан ҳар бир одамга ғурур бахш этмоқда.

Тинчлик ва тараққиёт йўлидан собит қадамлар билан бораётган меҳнатсевар халқимиз ва она-Ватанимизнинг келажаги ана шу Наврўз байрамидек фусункор ва тароватли бўлаверсин!

Муҳтарам юртдошлар!

Севимли диёримизда бундай улуғ шодиёнали кунлар кўпаяверсин!

«СУМБУЛА-НОН» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини 2002 йил 26 апрель соат 9.00 да ўтказилишини маълум қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод мавзеси, 14-даха, Теша Зохидов кўчаси, 14-уй. Телефон: 22-08-90.

Акциядорлар реестри 2002 йил 26 март ҳолатига кўра ёпилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2001 йилги фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот.
2. 2001 йилги бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
3. 2001 йил учун аудиторлик текширувининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамият тафтиш ҳайъатининг 2001 йил учун ҳисоботи.
5. 2001 йил учун соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.
6. 2002 йил аудиторини тасдиқлаш.
7. 2002 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
8. Кузатув Кенгашининг таркибини сайлаш.
9. Бошқарув таркибини сайлаш.
10. Тафтиш ҳайъатининг таркибини сайлаш.

«СУМБУЛА-НОН» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2002 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА ҚАДАР БЎЛГАН БАЛАНСИ (минг сўм)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	58939	Низом жамғармаси	35273
«Ғаллабанк» акциялари	755	Тақсимланмаган фойда	54599
Ишлаб чиқариш заҳиралари	13396	Харидорлардан олинган аванслар	4077
Қайта сотиш учун товарлар	2119	Кредиторлик қарзлари	6995
Келгуси даврлар сарф-харажатлари	172		
Пул маблағлари	14655		
Дебиторлик қарзлари	10908		
Актив бўйича жами:	**100944**	**Пассив бўйича жами:**	**100944**

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 24.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA